

Т. ЭРНАЗАРОВА, Б. КОЧНЕВ



ТАНГАЛАР ЎТМИШ ДАРАКЧИЛАРИ



«ФАН»

Т. ЭРНАЗАРОВА, Б. КОЧНЕВ

ТАНГАЛАР ЎТМИШ
ДАРАКЧИЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1970

902.9

Э81

Т. Эрназарова, Б. Кочнев. Тангалар ўтмиш даракчилари, Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1977 йил, 36 бет, 9 та расм.

Ушбу рисолада жамият тарихини ўрганишда тангаларнинг роли, антик даврда ва илк ўрта асрда Ўзбекистон территориясидаги вилоятларнинг зарб қилган тангалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Эрназарова Т. ва Кочнев Б.

Тангалар ўтмиш даракчилари.

Т., «Фан», 1977.

36 б. 9 расм.

І. Автордош.

Эрназарова Т. и Кочнев Б.

Нумизматика — луч в прошлое Узбекистана.

902.9+9(C52)

$$\frac{10602-669}{355(06)-77} 147-77$$

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1977 йил.

КИРИШ

Маълумки, нумизматика танга пуллар ҳақидаги фандир. «Нумизматика» термини ўрта асрдан эътиборан танга пуллар ҳақидаги фаннинг номи сифатида ишлатила бошланди. У танга ва қоғоз пулларнинг, орден ва медалларнинг юзага келиш тарихини ўрганadi, шу асосда фаннинг турли соҳаларига, жумладан тарих ва археология, сиёсий иқтисод, тилшунослик ва санъатшуносликка оид масалаларни ҳал этиш ишига яқиндан ёрдам беради.

Дарвоқе, биринчи пуллар қачон пайдо бўлган? Археологик қазиларнинг гувоҳлик беришича, тош асрда ҳам қабилалар ўртасида турли хил ашёлар айрибошланган. Қабилла ва жамоалардаги меҳнат тақсимоти моддий ва эҳтиёж буюмларини айрибошлашнинг ривожланишида асосий омил бўлган эди. Ана шу товар айрибошлаш натижасида маълум миқдорда мол ортиб қолган. У бошқа моллар нархининг эквивалентига айланган. Ана шу аснода биринчи пуллар пайдо бўла бошлади.

Осиё ва Африканинг кўпгина қадимий халқлари пулнинг энг содда формаси — чиғаноқлардан узоқ вақт мобайнида фойдаланиб келишди. Япония, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларида ҳам чиғаноқлар пул сифатида ишлатилган. Меланезияда «чўчқа пуллари» деб аталадиган пуллар бўлган эди. Бундай оддий усулдаги пуллар чиғаноқ, мунчоқ, ит тишлари ва чўчқа думларининг бойламидан иборат бўлиб, уларга хўжалик моллари сотиб олинган, келинлар учун қалин ҳам тўланган. Ҳиндистонда дур пул сифатида ишлатилган бўлса, Африканинг баъзи қабилаларида ҳурмо меваси пул вазифасини ўтаган. Қадимий халқларнинг савдо мулоқо-

тида пул ана шундай характердаги турли босқичларни босиб ўтди.

Товар пуллар, хусусан ҳайвонларнинг териси, ишлаб чиқариш қуроллари ва бошқа ашёлар ҳозирги пуллар даражасида муомалада бўлган. Кўпгина халқлар товарларни қорамоллар билан баҳолашдан кейин металл пулларга ўтганлар. Унгача товарларнинг қиймати ҳўкиз, қорамол ёки қўйлар билан белгиланган.

Ф. Энгельс қайд қилиб ўтганидек: «...ҳайвонлар ҳамма товарларга баҳо қўйишда восита хизматини бажарадиган ва ҳамма ерда мамнуният билан айрибошланадиган товарга айланди,— хуллас, ҳайвонлар пул функциясини бажара бошлади ва шу босқичдаёқ пул ролини ўйнади»¹. Аммо ана шу қорамоллар тарзида қайд қилиб ўтилган пулнинг оддий формалари тезда бузилар, жумладан бир жойдан иккинчи бир жойга олиб боришда қатор қийинчиликлар туғилар, ҳатто уларнинг баҳоси гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турарди. Масалан, бирор жойда бозори чаққон бўлган товар бошқа бир жойда касодга учраши мумкин эди.

Айрибошлаш — ҳар доим ва турли шароитда қиймати бирдек ўзгармайдиган, қўллаш осон бўлган баҳо ўлчовини тақозо қиларди.

Мана шундай савдо шартларига янгидан пайдо бўлган металл пул жавоб бера бошлади, бу ўз навбатида савдо муомаласида мавжуд бўлган пулнинг барча мавжуд формаларини сиқиб чиқарди. Металл пуллар қисмларга бўлиниши, қиммат ёмбини арзон қилиш мумкинлиги жиҳатидан ҳам аҳамиятли эди. Тилла ва кумушдан тайёрланган пуллар эса энг қулай ва қийматли пул ҳисобланарди.

Кишилар аста-секин маълум оғирликдаги ёмбилар тайёрлай бошладилар. Лекин металл пулларда ҳали алданиш имконияти яшириниб ётарди. Чунки, кишилар мис ва қўрғошин сингари арзон металлларни олтин ва кумуш парчаларга аралаштирар эдилар. Ҳукумат бу фирибгарликларга чек қўйиш мақсадида ўзи зарб қилган металл пулларга муҳр босиб чиқара бошлади.

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Асарлар, 2-том, Тошкент, Ўздавнашр, 1959, 338-бет.

Зарб қилинган биринчи танга пуллар қачон пайдо бўлган деган савол ҳали узил-кесил ҳал бўлгани йўқ.

Биринчи танга қаерда зарб қилинганлиги тўғрисида антик олимларнинг ҳам фикри турлича. Чунончи, Геродот ва Ксенофотларнинг маълумотига кўра, биринчи олтин ҳамда кумуш тангалар эрамиздан олдинги VII асрда Кичик Осиёнинг Лидия давлатида зарб қилинган. Кейинчалик Қора денгиз бўйидаги кўпгина грек мамлакатлари ва давлатларидаги йирик шаҳарларда танга пуллар зарб этишган.

АНТИК ДАВР ТАНГА ПУЛЛАРИ

Ўзбекистон ССР территориясида топилган биринчи нумизматик ёдгорлик Эрон шоҳлари — Аҳмонийлар даврига мансуб. Бизнинг эрамиздан олдинги VI—V асрларда бу подшолик катта территорияга эга бўлган эди. Унга Олд Осиё, шунингдек, Ўрта Осиёнинг қадимий областлари — Бактрия (Тожикистоннинг жануби ва Ўзбекистон, Шимолий Афғонистон), Суғд (Зарафшон ва Қашқадарё водийси), Хоразм территориялари кирган.

Аҳмонийлар империяси сатрапларга бўлинган бўлиб, уларни ноиб — сатрап (мустамлакаларда хўжайинлик қилувчи зўравон амалдор)лар бошқарган.

Бу даврга оид маҳаллий танга пулларни биз ҳозирча учратмадик. У даврда савдо-сотиқ ишлари айрибошлаш йўли билан амалга оширилган бўлса керак. Лекин тарихчи Геродотнинг ёзиб қолдирган маълумотларига кўра, Суғд, Хоразм, Бактрия Аҳмонийларга талант, яъни пул бирлигида ўлпон тўлаганлар, лекин бизнинг фикримизча, ўлпон аслида пул миқдорида ўлчанган-у, лекин у нақд пул тарзида эмас, балки ана шу пул миқдорига тенг бўлган натурал товарлар билан тўлаб келинган бўлиши ҳам мумкин. Ўзбекистон территориясида XIX аср охири XX асрнинг бошларида коллекционерлардан Аҳмонийларнинг қатор дирик¹ ва сикл²ларини сотиб олиниши, Аҳмонийлар даврига мансуб тилла ҳамда кумуш пулларни Суғд ва Бактрияга кириб келганидан далолат беради. Аммо уларни қай тарзда роль ўйнагани ҳозирча номаълум.

Эрамиздан олдинги IV асрга келиб қисқа вақт ичида жуда катта территорияни, шу жумладан, Ўрта Осиё-

¹ Олтин тангалар шундай деб аталган.

² Кумуш тангалар шу ном билан юритилган.

нинг кўпгина қисмини қўлга киритган Искандар Зулқарнайн томонидан Аҳмонийлар империяси ағдарилди.

Искандар Зулқарнайн (саркарда Александр Македонский Шарқ халқлари ўртасида шу ном билан шуҳрат топган) Аҳмонийлар ҳукмронлигидан кейин Ўрта Осиё территориясида маҳаллий халқнинг ғоят кескин ва шиддатли қаршилигига дуч келди. Айниқса, Суғд элида Спитомен бошчилигида кўтарилган халқ қўзғолони шу жиҳатдан характерлидир.

Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг унинг империяси майда бўлақларга бўлиниб кетди. Империянинг Осиё қисми Искандар Зулқарнайннинг саркардаларидан Селевк асос солган Селевкидлар давлати таркибига кирди.

Эрамиздан олдинги III аср ўрталарида Осиёнинг Шарқий областлари Селевк империясидан ажралиб чиқиб, унинг ўрнига Ўрта Осиёнинг Жанубий районларини, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир қисмини ўз ичига олган Грек-Бактрия подшолиги ташкил топди.

Ҳозирча Ўрта Осиёнинг на Аҳмонийлар даврига, на Искандар Зулқарнайн даврига оид тангалари топилмаган. Ўрта Осиё улкан империя таркибига қўшиб олингач, умумий олди-сотди савдосида пул жорий этила бошланди. Чунончи, Бактрияда Селевкидлар даврида ҳукмдорлар томонидан пуллар чиқарила бошланди. Эрамиздан олдинги 293—280 йиллар мобайнида Бактрия давлатининг шарқий областлари ноиби Селевкнинг ўғли Антиох биринчи марта пул чиқаришга асос солди. Грек маданиятининг йирик вакиллари бўлмиш Селевкидлар танга пулларини грек намунаси бўйича зарб этдилар, хусусан грек тилидаги ёзувлар ва подшоҳнинг акси туширилган тангалар чиқара бошладилар. Бактрияда чиқарилган пулларнинг номи ҳам грекча эди. Жумладан, тилла пуллар статер, кумуш тангалар тетрадрахма, драхма, ярим драхма деб аталган. Ҳатто пулларнинг оғирлиги ҳам грек оғирлик ўлчов бирлигига тўғри келган, яъни тетрадрахмалар — 16 гр, драхмалар — 4 гр. га яқин бўлган. Қундалик савдода фойдаланиш учун мўлжалланган мис тангалар ҳам чиқарилган.

Грек-Бактрия подшолиги пуллари кўпчилик ҳолларда Селевк аънаналарини давом эттирган. Танганинг юза томонида подшо расми, орқа томонида эса грек

худоларидан (Аполлон, Артемида, Афина, Геракл, Зевс, Посейдон ва бошқалар) бирининг расми ифодаланган. Аммо маҳаллий таъсир ҳам пул зарб этиш ишларида сезиларли бўлган. Жумладан, грек худоларининг баъзи бир хусусиятлари Шарқ худоларининг баъзи жиҳатларига ўхшаш ҳолда акс эттирилган.

Грек-Бактрия тангалари медаль яшаш санъатининг гўзал намуналари ҳисобланади. Кичкинагина юмалоқ доирага туширилган подшоларнинг расми бизнинг давргача етиб келган ўша ҳукмронларнинг яккаю-ягона асл расмлари ҳисобланади. Бу расмлар тарихий шахсларнинг қўлёзма манбаларда ифода этилмаган қиёфалари ва ҳис-ҳаяжонларини акс эттиради.


Ўрта Осиёда зарб этилган Селевк тангалари жуда оз миқдорда топилган бўлса, Грек-Бактрия тангалари эса аксинча ана шу умумий миқдорнинг кўп қисмини ташкил этади. Грек-Бактрия кумуш тангалари хазинаси (100 донага яқин) Қашқадарё водийсининг Китоб шаҳри атрофидан топилди.

Эрамиз бошларида ташкил топган Кушанлар подшолиги янги эранинг I—III асрларига келиб дунё аҳамиятига эга бўлган империяга айланди. У Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонни, Афғонистонни ва Ўрта Осиёнинг кўпгина қисмини бирлаштирди. Кушан тангаларида ҳам грек алифбосидан фойдаланиш давом этди. Кейинчалик грек алифбосида Бактрия тилидаги сўзлар ёзила бошланди. Грек худоларининг тасвири аста-секин маҳаллий, шу жумладан зорастрия худоларининг тасвири билан алмаштирилди. Анахита (табиатнинг ҳосилдорлик ва жонлантирувчи худоси), Фарро (бойлик ва подшо ҳукумати рамзи), Митра (қуёш илоҳияти)лар шулар жумласидандир. Айнан мана шу тасвирлар Ўрта Осиё қадимги халқларининг диний эътиқодларини тушунишда яқиндан ёрдам беради.

Агар Ўрта Осиёда кушанларгача ва ҳатто илк Кушанлар даврида ҳам кумуш танга зарб қилинган бўлса, Кушан подшоси Вима Кадфиз реформа ўтказиб, олтин танга зарб қилишга асос солди. Шу даврда кўплаб олтин динорлар ва бошқа тангалар чиқарилди. Мазкур тангалар халқаро савдода муҳим ўрин эгаллаган Рим олтинларига яқин турарди. Шу нарса диққатга сазоворки, Кушанлар даврида турли қийматга эга бўлган мис тангалар ҳам кўплаб зарб қилинган. Фақат Сурхондарё

областининг кичик қишлоқ районларида Кушанларнинг юзлаб мис тангалари топилганлиги фикримизнинг далилидир. Ўрта Осиёда бундай ҳол олдин бўлмаган. Бу кундалик майда савдонинг халқ орасида қанчалик ривожланганлигидан далолат беради.

Эрамиздан олдинги II асрнинг иккинчи ярмида Суғд подшолиги Грек-Бактрия империясидан ажралиб чиқди.



Ўзбекистон ССР территориясидан
топилган тангалар

Аммо Грек-Бактрия турмуш тартибига тақлид қилган ҳолда ўз тангаларини зарб этишда давом этди. Лекин тез орада мазкур тангалардаги грек ёзуви суғд ёзуви билан алмаштирилди. Эрамизнинг бошларида бир томонида подшо тасвири, иккинчи томонида ёйчининг расми акс эттирилган Суғд қумуш тангалари пайдо бўла бошлади. Уларнинг вазни анча енгил бўлиб, оғирлиги 0,3 граммни ташкил этарди.

Эрамиздан бурунги III—II асрларда Ўзбекистоннинг шимолий районлари кўчманчи кангюй бирлашма-

сига тобе эди. Утроқ областлар эса ўз ҳукмронларига эга бўлиб, ярим мустақил эдилар. Хоразмга Кушан тангалари кириб келса ҳам, улар подшо тасвирини ва отлич аскарни акс эттирган ўз тангаларини зарб қилишда давом этишарди.

Эрамизнинг биринчи асрида Чочда (Тошкент области территориясида) ҳам тангалар зарб қилинган. Бу тангаларда тож кийган подшо, иккинчи томонида эса суғд ёзуви бўлган ўзига хос тамға тасвирланган эди.

Тангаларга қараб фикр юритадиган бўлсак, пул савдоси Суғдга нисбатан Бактрияда, Хоразм ва Чочда ҳийла паст даражада ривожланганлигини аниқлаш мумкин. Фарғонадаги савдо муомаласида умуман танга ишлатилмаган, шунга кўра бу ўлка аҳолиси умуман ўз тангасига эга бўлмаган дейиш мумкин. Бу эса Фарғона область экономикасининг ривожланиши жуда ҳам суст бўлганлигидан далолат беради. Ўзбекистон территориясида маҳаллий тангалар билан бир қаторда чет эллардан келтирилган тангалар ҳам учрайдики, бу Ўзбекистон областларининг ўз даврида халқаро савдо билан кенг шуғулланганлигини кўрсатади.

ИЛК УРТА АСР ТАНГАЛАРИ

Янги эранинг III асрида Сосонийлар династияси Эронда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Сосонийларнинг зарб этган кумуш тангалари Урта Осиё территориясига кўплаб тарқалди. Айниқса, Баҳром (420—438 йиллар), Перознинг (459—484 йиллар) чиқарган пуллари кўп учрайди. Сосонийларнинг қадимий манбаларда хионитлар, кидаритлар, эфталитлар деб қайд қилинган урушқоқ қабилалар билан жанг қилишига тўғри келди. Эфталитлар Урта Осиёнинг кўпгина қисмини бирлаштирган, кенгайтирилган давлат тузишга муваффақ бўлди. Лекин мазкур давлатнинг айрим областлари ўзича мустақил эди. Урта Осиё территорияси VI асрга келиб Турк ҳоқонлигига яъни, янада йирик империя составига киради. Умуман, бу даврда Урта Осиё кўп-лаб кичик ва майда эгаликларга парчаланиб кетган эди. Фақатгина Тоҳиристонда (Бактрия кейинчалик шундай деб аталган) ана шундай эгаликларнинг сони 27 тага етганлигини айтиб ўтиш кифоядир.

Бундай парчаланиш ҳар бир областнинг ўз тангаси

бўлишига олиб келди. Масалан, Наҳшабда (Қашқарё воҳасининг қадимги шаҳри) III—V асрларда бир томонда — подшо калласи, иккинчи томонда подшонинг шер билан курашини акс эттирган мис тангалар зарб қилинган.

Бухоро областида Ўрта Осиёга кўплаб кириб келган Сосонийлар кумуш тангаси таъсирли роль ўйнаган. Бухорода V асрга келиб бухорхудотлар дирҳами деб аталган танга зарб этила бошланган. Танганинг бир



Ўзбекистон ССР территориясидан топилган тангалар

томонида ҳукмдорнинг калласи иккинчи томонида кохинлар билан меҳроб олови тасвирланган.

IV—V асрларгача Суғдда ёйчи тасвирланган майда кумуш тангалар чиқарилган. Яқинда қадимий Самарқанд (Афросиёб) территориясида ана шундай тангалар хазинаси (1350 донадан ортиқ) топилди.

VII асрнинг иккинчи чорагидан эътиборан Самарқанд подшоҳлари тўрт бурчак шаклидаги тешикка эга бўлган, суғд ёзуви битилган мис тангаларини зарб қилганлар. Худди шундай тангалар Самарқанд яқинидаги айрим кичик ҳокимлар томонидан ҳам зарб қилинган. Мазкур тангаларда кичик ҳокимлар ўз унвон ва исмларини, шунингдек танга зарб этилган жойни кўрсатиб ўтганлар. Масалан, Панч (яъни Панжикент) ёки Семитон ва ҳ. к.

Шу нарса диққатга сазоворки, Самарқанд ҳукмдорларининг зарб қилдирган мис тангалари ҳозирги кунда юзлаб, айрим ҳолларда катта-катта хазиналар тарзида топилмоқда. Бундай тангалар биринчи навбатда ички майда савдога хизмат қилган. Лекин масаланинг жид-

дий томони шундаки, мазкур тангалар бошқа областларда, масалан, Наҳшабда, Чочда, Хоразмда, Тоҳирис-тон ва Эронда ҳам топилган. Бу эса юқорида номлари зикр этилган областлар сиёсий жиҳатдан бир-бирдан ажралиб кетган бўлса ҳам уларнинг ўртасидаги савдо алоқалари яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Самарқанд ҳокимларининг чиқарган тангасидан қўшни Усрушана (Жиззах ва Ўратепа районлари) областида VI—VIII асрларда зарб қилинган тангалар тубдан фарқ қилган. Уларда тўрт бурчак шаклидаги тешиклар бўлмай, балки ҳукмдорнинг расми ва суғд ёзувида ҳукмдорнинг номи ва унвони ҳамда тамғаси ифодаланган.

Уша даврларда, яъни VI—VII асрларда Чочда бир неча хилда кўплаб тангалар зарб қилинган. Уларда суғд ёзувлари, тамғалари, подшонинг боши ёки рафиқасининг расми ифодаланар эди. Танга пуллар хилининг кўплиги Чочда пул савдосининг жуда ҳам ривожланганлигини кўрсатади.

Яқинда Самарқанд музей коллекциясидан V—VI асрларга оид Фарғонанинг тангасини топишга муваффақ бўлинди. Қадимий Фарғона ёзуви бўлган бу ёдгорлик ўша давр халқларининг тилини ўрганишда яккаюягона ёдгорлик ҳисобланади. Кейинчалик VII—VIII асрларда Фарғонада тўрт бурчак шаклидаги тешикка эга бўлган, суғд ёзуви туширилган тангалар чиқарилди.

Совет археологларининг олиб борган қазув ишлари VII—VIII асрларда Ўрта Осиё халқлари юксак маданиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Уша даврларда зарб қилинган тангалар эса мазкур маданиятни яна тўлдиради ҳамда экономикани биринчи навбатда товар-пул муносабатларини барқ уриб гуллаганлигидан далолат беради.

АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ТОМОНИДАН ЗАРБ ЭТИЛГАН ТАНГАЛАР

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ўртасида бирлик йўқ эди. Бу улкан территория ўзаро адоватда бўлган кўплаб кичик ва майда мулкларга бўлинган эди. Ўз навбатида бундай

табақаланиш Урта Осиёнинг араблар томонидан осонгина босиб олинishi учун қулай имконият яратиб берди.

VII асрнинг учинчи чорагида ислом динини яратган тарихий шахс Муҳаммад араб халифалигига асос солди. У Арабистон ярим оролидаги кўпгина қабилаларни бирлаштириш ва уларнинг орасида янги диний тартиботни ўрнатишга муваффақ бўлди. Муҳаммад вафотидан сўнг (632 й.) Арабистон ярим оролидан ташқарида яшовчи қабилаларни забт этиш бошланди.

«Хулофон рошидин»—«рашид халифалар» номи билан машҳур бўлган биринчи тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али, шунингдек Умавийлар сулоласи халифалари ҳукмронлик қилган даврда (660—750) халифалик жуда кенгайди. Халифалик Испания территориясининг деярли ҳаммасини, Шимолий Африкани, Арабистон ярим оролини, Фаластин ва Сурияни, Кичик Осиёнинг бир қисмини, Закавказье, Ироқ ва Эронни, Афғонистоннинг бир қисмини, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонни ҳамда Урта Осиёнинг кўпгина областларини бирлаштирди.

Араблар 651 йили ҳозирги Эроннинг Шимоли-Шарқини, Туркманистоннинг Жанубини, Афғонистоннинг Шимоли-Ғарбини бирлаштирган Хуросон областининг пойтахти Марвни қўлга киритадилар. Мана шу жойдан VII асрнинг 70-йилларида Мовароуннаҳрни истило қилиш бошланди. Араблар VIII аср бошларига қадар Мовароуннаҳрни талон-торож қиладиган босқинчилик билан шуғулланиб, уни бутунлай забт эта олмадилар. Хуросон ноиблиги Қутайба ибн Муслим (705—715 й.) қўлига ўтгандан кейингина Мовароуннаҳр бутунлай босиб олинди. Зўр саркарда, моҳир дипломат бўлган Қутайба ибн Муслим у ёки бу шаҳарни қўлга киритишда турли хил ҳийла-найранглардан, ҳатто қотиллик ва сотқинликдан, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро низоларидан моҳирона фойдаланган. Ана шундай йўллار билан у Мовароуннаҳрни забт этган. Араб халифалиги барпо этилган дастлабки йилларда халифаликда Византия ва Сосонийлар даврида зарб қилинган тангалар савдо муомаласида ишлатилган. Шундан сўнг халифалик ўша давр тангаларини чиқаришни давом эттирган. Лекин тангалардаги Византия императори ёки Сосонийлар ҳукмдорининг тасвири ва араб ёзуви билан зарб қилинган. Фақат халифа Абд ал-Малик (685—705 йил-

лар) ҳукмронлик қилган даврдаги халифалик византияликлар ва Сосонийлар тангасидан фарқ қиладиган ўз шахсий тангаларини зарб қила бошлаганлар.

Бу даврда зарб этилган янги тангалар ҳар икки томонида ҳам тасвирларнинг йўқлиги билан олдинги тангалардан буткул ажралиб турарди. Уларда расмнинг ўрни араб ёзувлари билан тўлдирилган эди. Аста-секин ёзувлар бир тартибда ёзила бошланди. Танганинг олд томонида калимадан қуйидагилар битилган эди: «Оллон таолодан бошқа худо йўқ. У ягона». Танганинг худди шу томонидаги айланма ёзувда танганинг зарб қилинган жойи ва вақти кўрсатилган. Масалан, «Ушбу дирҳам худонинг номи билан Самарқандда бир юз саксон бешинчи йили зарб қилинган» ва ҳ. к.

Танганинг орқа томонида «Муҳаммад — худонинг ердаги ноиби» ва ҳукмронлик қилган халифанинг номи ёзила бошланган. Айланма ёзув одатда қуръон сураларидан иборат эди.

Халифаликда олтин, кумуш, мис тангалар зарб қилинган. Олтин тангалар — динор, кумуш тангалар — дирҳам, мис тангалар — фельс деб аталган. Динор ва дирҳамларни, айниқса дастлабки вақтларда фақат халифаликгина зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Мис тангани эса ворислар, амирлар танга четига ўз номларини ёздириб зарб қилишлари мумкин эди. Олтин тангаларни ташқи савдо учун зарб қилганлар. Халифаликнинг савдосида кумуш тангалар — дирҳамлар пул муомаласининг асосини ташкил этган. Улар халифалик ва унинг халқаро савдосини етарли даражада таъминлаганлар. Ҳозирги пайтда Ғарбий, Шарқий ва Шимолий Европа мамлакатларида халифалик дирҳамларининг кўплаб топилаётганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Мовароуннаҳрда, бинобарин Ўзбекистон территориясида араблар истилосидан кейинги дастлабки вақтларда умумхалифа тангалари билан бир қаторда маҳаллий эски тангалар ҳам муомалада бўлган ва араблар ўз ноибларининг номлари билан араб ёзувида шундай тангаларни зарб қилганлар. Чунончи, янги тангаларда олдинги тангалардан фарқли ўлароқ араб ёзуви битилган эди. Аста-секин бу ерларда ҳам умумхалифалик тангалари — дирҳам ва фельс тангалар зарб қилина бошланган. VIII ва IX асрларда Бухоро, Самарқанд,

Шош (Тошкент области)да шундай тангалар зарб қилинган. Юқорида номлари қайд қилинган шаҳарлардан ташқари вақти-вақти билан тангалар зарб қилинган шаҳарлар ҳам бўлган. Масалан, Муаскар аш-Шаш (Шош қалъаси) ва ўша даврдаги Фарғона пойтахти Ахсикет шундай шаҳарлардан ҳисобланарди.

Араб халифалиги томонидан зарб қилинган тангаларнинг Ўзбекистон территориясида топилган намуналари орасида кумуш ва мис тангалар ҳам учрайди. Қазилмалар вақтида топилган халифалик дирҳамларидан ташқари Эрон ва Ироқ сингари мамлакатларнинг шаҳарларида зарб қилинган дирҳамлар ҳам бор. Мис тангалар зарб қилинган у ёки бу областнинг ички бозори учун хизмат қилган. Шунинг учун қазишмалар даврида фақат маҳаллий тангалар топилган холос. Мазкур тангаларда Бухоро ёки Самарқанднинг кўпгина ноиблари, шулар билан бир қаторда танга зарб этишда бошчилик қилган ҳокимларнинг номлари қайд қилиб ўтилади.

ТОҲИРИЙЛАР ВА СОМОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАРБ ҚИЛИНГАН ТАНГАЛАР

Ўрта Осиё халқларининг араб ҳукмронларига қарши узлуксиз кураши, ғалаёнлари бу областларни фақатгина куч билан ушлаб туриш мумкин эмаслигини кўрсатарди. Халифаликнинг Шарқий областларини бошқаришга маҳаллий феодаллар жалб қилинди. Аммо областларнинг маҳаллий феодаллар томонидан бошқарилиши марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга эмас, аксинча, аста-секин унинг кучсизланишига, кейинчалик Мовароуннаҳрнинг халифаликдан ажралиб чиқишига олиб келди. 821 йили Ҳирот областидан келиб чиққан Тоҳир ибн Хусайн (821—873 йиллар) Хуросон ноиб этиб тайинланди ва у Тоҳирийлар сулоласига асос солди.

Тоҳирийлар Бағдод халифалигига тобе бўлиб, халифалик хазинасига кўплаб солиқлар тўлаб турсалар ҳам, ички сиёсатда етарли даражада мустақил эдилар.

Тоҳирийларга тобе бўлган Мовароуннаҳрнинг ноиб биринчи сомонийлар эди. Уларнинг асосчиси Сомонхудот айрим маълумотларга қараганда Самарқанд атрофидан, бошқа бир маълумотларга қараганда эса Термиз ёки Балхдан бўлган аслида. Унинг неварала-

ри — Нух, Аҳмад ва Яҳё халифа Мамунга кўрсатган хизматлари учун Мовароуннаҳрнинг турли областларига ҳоким этиб тайинландилар. Табиийки, халифаликнинг чекка ўлкаларига жойлашган Сомонийлар мустақилликка эришишга ҳаракат қилганлар. Улар Тоҳирийлар сулоласи тахтдан туширилгандан кейингина мустақилликка эга бўлганлар. Улар Сомонхудоғнинг чевараси Исмоил ибн Аҳмад ҳукмронлик қилган вақтда мустақилликка эришдилар. Исмоил ибн Аҳмад қисқа муд-



Ўзбекистон ССР территориясидан
топилган тангалар

датда Хуросон, Шарқий ва Шимолий Эронни ўзига бўйсундирди. Сомонийлар давлати X асрнинг охиригача ҳукмронлик қилди.

Тоҳирийлар дастлаб дирхам ва мис тангалар, Абдулла ибн Тоҳир ҳукмронлигидан бошлаб олтин динарлар зарб қилганлар. 15 дан ортиқ зарбхоналар бўлса ҳам улар вақти-вақти билан танга зарб қилганлар. Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Шош, Мадинаи аш-Шош шаҳарларида, кейинчалик Хоразм зарбхонасида тангалар зарб қилинган. Умумий кўриниши, хусни хат, ёзувларнинг жойлашиши бўйича Тоҳирийлар даврида зарб қилинган тангалар умумхалифалик тангаларидан фарқ қиларди.

Биринчи Сомонийлар фақат кумуш танга зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Улар зарб қилган мис тангалар — фельслар ташқи кўриниши бўйича юмалоққа яқин, хатлари хунук бўлган. Бунга ҳеч ажабланмаса бўлади. Чунки, Самарқанд зарбхонасининг бу борадаги дастлабки қадамлари эди.

Тоҳирийлар сулоласининг ағдарилиши билан Мовароуннаҳр мустақиллигининг рамзи сифатида Сомонийларнинг биринчи дирхами — кумуш тангаси зарб қилинади. Исмоил ибн Аҳмад даврида кумуш тангалар кўплаб чиқарилади. Кейинчалик олтин тангалар пайдо бўла бошлайди.

Олтин тангаларга нисбатан аъло сифатли кумушдан кўплаб зарб қилинган тангалар мамлакат ташқари-



Ўзбекистон ССР территориясидан
топилган тангалар

сига ҳам чиқиб кетган. Маълумки, Ўрта Осиё халқларининг X асрда Шарқий Европа, шу жумладан, Россия билан савдо-сотиқ ишлари жуда ривожланган. У ердан қундуз, қаҳрабо, ғалла, мум, асал, тери сингари нарса-лаб келтирилиб, Ўрта Осиёдан қатор маҳсулотлар билан бирга кўплаб кумуш тангалар юборилган. Мана шунинг учун СССР Фарбий территориясида Сомонийларнинг кўплаб кумуш тангалари хазиналари топилмоқда. Топилган энг кўп кумуш тангалар мингга яқин бўлиб, уларнинг оғирлиги бир неча ўн килограммни ташкил этади. Кумуш тангалар Скандинавия ва Исландия мамлакатларигача етиб борган. Болтиқ денгизидagi Готланд оролида Сомонийларнинг кумуш тангаси шунчалик кўп топилганки, ҳатто у ерда хазина қидирувчи деган касб ҳам бўлган. Аммо шу кўп сонли топилмалар IX—X асрлар давомида мусулмон Шарқидан, хусусан Ўрта Осиёдан Европага «оқиб» кетган кумуш тангалар ҳақида жуда ҳам оз тасаввур беради. Ахир уларнинг озгина қисми хазина сифатида ерга тушган. Кўпгина дирҳамлар эритилиб, улардан турли хил безаклар ишланган.

Шу билан бирга Ўрта Осиёда Сомонийлар даврида зарб қилинган дирҳамлар жуда ҳам кам топилади. Бу

табий бир ҳол. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек дирҳамларнинг кўпи чет элларга «оқиб» кетган эди.

Сомонийлар томонидан зарб қилинган тангалардаги ёзувлар худди халифалик даврида зарб қилинган тангалардек эди. Тўғри, мис ёки кумуш тангаларнинг бир томонида бир ёки икки қатор, аҳён-аҳёнда эса уч қатор ёзувлар учрайди. Дирҳамларда фақат Сомонийлар ноибининг исми ёзилибгина қолмай (гарчанд улар



Ўзбекистон ССР территориясидан топилган тангалар

халифаликда бутунлай мустақил ҳолда ажралиб чиққанликларига қарамай), халифаларнинг исмлари ҳам ёзилган.

Умуман, IX—X аср Ўрта Осиё тарихи мукаммал ўрганилган. Чунки бу даврга оид кўплаб ёзма манбалар сақланган. Сомонийлар даврида зарб қилинган тангалар Европада кўплаб топилганлиги учун яхши ўрганилган. Лекин улар ўша давр сиёсий ҳаёти ва тарихига ёзма манбалардагичалик кўп маълумот қўша олмайди. Лекин кумуш тангалар қарийб бир юз эллик йил ўрганилишига қарамай ҳали ҳам нумизматика фани учун яхши материал бермоқда. Сомонийларнинг биринчи марта мис тангалар зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлигини эслатиб ўтсак масала аён бўлади. Чунки, улар зарб қилган тангаларни ўрганиш ўша давр тарихчилари ёзиб қолдирмаган Сомонийлар давлатининг ташкил топиш тарихининг айрим саҳифаларини тўлдиришга ёрдам беради. Яна бир мисол. Яқин-яқинларгача Сомонийлар давлати мустаҳкам, ягона ва марказлашган давлат бўлган деб ҳисобланиб келинарди. Фарғонада зарб қилинган мис тангаларни ўрганиш мазкур йirik область узоқ даврлар мобайнида ярим мустақил

давлат бўлиб келганлигини кўрсатади. Шу далилни ҳисобга олиб, биз Сомонийлар давлати қўлёзма манбаларида кўрсатилганидек қудратли давлат бўлмаган деган хулосага келамиз.

Сомонийлар даврида зарб қилинган мис тангалар ташқи кўриниши билан ҳам диққатга сазовордир. Мис танга энг кўп тарқалган, кўп муомалада бўладиган



Ўзбекистон ССР территориясидан топилган тангалар

танга бўлишига қарамай у дирҳам ва динорлар сингари пухта ишланган. Улардаги ёзувлар жуда ҳам чиройли. Айрим мис тангалар, айниқса Бухорода зарб қилинган мис тангалар шунчалик чиройлик ва пухта ишланганки, ҳозир ҳам кишини ҳайратга солади.

Уша даврларда 30 дан ортиқ зарбхоналар бўлса ҳам лекин улар вақти-вақти билан ишлаган. Айримлари қисқа муддат ишлаб кейинчалик ёпилган. Бухоро, Самарқанд ва Шош асосий зарбхона ҳисобланган. Булардан ташқари Андижароғ (Вахш ва Панж орасидаги область), Ахсикет, Бороб (Ўрта Сирдарёда), Бинкет (Тошкент), Зомин, Испижоб (Чимкент яқинида), Куба (ҳозирги Қува), Марғинон (ҳозирги Марғилон), Насробод (Фарғона водийсида), Наукат (Тошкент областида), Суғд, Термиз, Тункет (Оҳангарон водийсида), Ўзгенд (ҳозирги Ўзганд), Усрушана, Фарғона, Хўттал сингари жойларда зарбхоналар бўлганлиги фанга маълум. Юқорида қайд қилинган зарбхоналарнинг (14) кўпчилиги Ўзбекистон территориясида бўлган. Ҳали шу вақтгача маълум бўлмаган зарбхоналарнинг очилиши эҳтимолдан ҳоли эмас, албатта.

XI АСР ВА XIII АСР БОШЛАРИДА ЗАРБ ҚИЛИНГАН ТАНГАЛАР

X асрнинг охири ва XI асрнинг бошларида Сомонийлар давлати инқирозга учради. Унинг Жанубий областларини (Хуросон ва Эроннинг бир қисмини) Ғазнавийлар сулоласи забт этди. Мовароуннаҳрни эса Қорахонийлар босиб олди. Бундан ташқари Қорахонийларга Сомонийлар давлатига тегишли бўлмаган Тянь-Шань, Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг катта қисми қарарди. Агар Сомонийларнинг пойтахти дастлаб Самарқанд, кейинчалик узоқ вақт Бухоро бўлган бўлса, Қорахонийлар давлатининг пойтахт шаҳарлари бир нечта бўлган. Жумладан, Баласоғун, Шарқий Туркистонда Кошғар, Узганд, Самарқанд пойтахт шаҳарлар эди.

1089 йили Салжуқийлар султони Малик шоҳ Мовароуннаҳрга бостириб кирди ва Қорахонийлар ҳокимининг ички ишларида мустақиллик бериб ўз вассалларига айлантирди.

Хоразмнинг тақдири бутунлай бошқача эди. Хоразм Қорахонийлар давлатига кирмай, XI аср бошларида мустақил давлат ҳисобланарди. Лекин 1017 йили уни Маҳмуд Ғазнавий босиб олди. Узоқ вақт Хоразм давлати Қорахонийлар давлатига тобе бўлиб келди. Фақат Хоразмшоҳ Муҳаммад (1200—1220 йиллар) Қорахонийлар сулоласини тугатиб, Мовароуннаҳрни босиб олди ва Хоразмни мустақил давлатга айлантирди. Унинг давлатига Эроннинг катта қисми ва Афғонистон кирган.

Қорахонийлар мис ва кумуш тангалар, XII асрнинг ўрталарига келиб олтин тангалар ҳам зарб қилганлар. Уша даврда зарбхоналарнинг кўплиги ҳам шунинг учун бўлса керак. Бугунги кунда қорахонийлар давридаги 40 дан ортиқ зарбхоналар фанга маълум. Мана улар: Ахсикет, Баласоғун, Бороб, Барсхон (Иссиқкўлнинг жанубида), Бенакет (Ангрен дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойида), Бинкет, Бухоро, Дабусия (Самарқанд областида), Дахкет, Илок, Кошғар, Кенд (ҳозирги Қонибодом) ва бошқалар. Булардан ташқари бу даврга тегишли қатор зарбхоналар борки, ҳали уларнинг номи ва жойи аниқланган эмас. Шунини қайд қилиб ўтиш лозимки, бир зарбхона бир неча номларда танга зарб қилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Кўз Урда ва Баласоғун номи битта шаҳарга тегишлидир. Сомоний-

лар ҳукмронлик қилган даврга нисбатан Мовароуннаҳрда зарбхоналарнинг кўпайганлиги шубҳасиз. Ҳақиқатда ҳам IX—X асрларда Фарғонада Ахсикет, Куба, Марғинон, Насробод, Ўзганд, Фарғона зарбхоналари бўлган. Қорахонийлар даврида эса мазкур зарбхоналарга Қосон, Кенд, Ўш, Риштон, Хафтдех зарбхоналари қўшилган. Худди шундай аҳвол Зарафшон водийсида ҳам учрайди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, зарбхоналар унча катта бўлмаган ва уларни ташкил этиш учун кўп маблағ сарф этиш талаб қилинмаган.

Қорахонийлар давлатининг салмоғи улар зарб этган тангалардаги ёзувлар маъносида ҳам акс этган. XI асрнинг кумуш тангаларида бу даврга келиб мусулмонлар дунёсининг диний бошлиғи — Бағдод халифасининг номи, бутун Қорахонийлар давлатининг ҳокими, шунингдек, унинг вассали — шаҳар ёки вилоят ҳокимининг номи ва танга зарб қилинган жойи кўрсатилган.

Мис тангалардаги ёзувлар кумуш тангалардаги ёзувлардан фарқ қилади. Уларда халифанинг номи кўрсатилмай, фақат танга зарб қилинган шаҳар ёки вилоят ҳокимининг номи, танга зарб қилинган жой кўрсатилган.

Қорахонийлар даврида зарб қилинган тангалардаги ёзувларнинг аксарияти араб алифбосида бўлиб, ондасонда уйғур сўзлари ҳам учрайди. Кўпчилик ҳолларда Наср, Юсуф сингари ҳокимларнинг номлари уйғур тилида ёзилади.

Тангаларнинг ташқи кўринишида ҳам айрим ўзгаришлар содир бўлди. Агар Сомонийлар даврида зарб қилинган тангалардаги ёзувлар айланасига битилган бўлса, Қорахонийлар тўртбурчак шаклида ёзганлар.

Қорахонийлар, асосан, кумуш тангалардан ташкил топган тангалар системасини ҳам Сомонийлардан мерос қилиб олдилар. X аср охири XI аср бошларида Қорахонийларнинг оддий кумуш пуллари соф кумушдан тайёрланиб, халқаро савдода ишлатилган. XI асрнинг иккинчи ўн йилларига келиб кумуш тангаларнинг сифати ўзгаради. Кумушнинг миқдори камайиб, унинг ўрнига мис ва қўرғошин ишлатила бошланди. XI аср ўрталарига келиб Еттисув ва Фарғонада таркибида умуман кумуш бўлмаган дирҳам тангалар зарб қилинган ва тангага — «дирҳам» — яъни кумуш танга деб ёзилган.

Фанда «кумуш кризиси» деб ном олган бундай ҳодиса XI асрда бутун мусулмон Шарқда қайд қилинган. Фарқ шундаки, бундай ҳодиса айрим мамлакатларда олдинроқ содир бўлган бўлса, қолганларида кейинроқ содир бўлган. Аммо ҳамма жойда дирҳамнинг сифати бутунлай ёмонлашади ёки бутунлай мис тангага айланди. Бунинг сабаблари бугунги кунгача аниқланган эмас.

Қорахонийлар давлатида «кумуш кризиси»нинг содир бўлишига узлуксиз давом этган ўзаро урушлар ва низолар сабаб бўлган, дейиш мумкин. Бундай урушларга одатда кўплаб харажатлар сарф бўлар эдики, уни қоплаш учун хазина сифатсиз дирҳамлар чиқарган. Афтидан, танга зарб қилишдаги бундай фирибгарлик аҳолининг кумуш ва мис тангаларга бўлган ишончини йўқотган. Шунинг учун бўлса керак, XI аср охири ва XII асрда Қорахонийлар давлатининг Шимолий областларида танга умуман зарб қилинмади. Мовароуннаҳрда эса танга зарб қилиш жуда озайиб кетди. Мана шундай шароитда кундалик савдода қисман натура билан алмашиш усулига қайтилди. Кумуш тангалар бўлмаганлиги сабабли йирик савдо битимида бошқа сулолалардан келтирилган динорлар — олтин тангалардан фойдаланганлар.

XI асрнинг сўнгги чораги ва XII асрнинг биринчи ярмида Қорахонийлар зарб қилган тангалар яхши ўрганилмаган. Мовароуннаҳрда зарб қилинган тангаларда фақат Қорахонийларнинг номи ёзилибгина қолмай, балки Салжуқийлар сулоласига мансуб бўлган султонларнинг номлари ҳам битилган. Тангалар асосан Самарқанд, Бухоро, Ўзганд зарбхоналарида чиқарилган.

XII асрнинг 60-йилларига келиб танга зарб этиш ишларида аҳвол бутунлай ўзгарди. Ўзганд ва Самарқандда кумуш суви югуртирилган дирҳамларни кўплаб зарб қила бошлашга йўл қўйилди. Тангаларга қопланган кумуш жуда ҳам юпқа бўлишига қарамай, дастлаб улар кумуш тангадек кўринарди. Кумуш тангалар билан бир қаторда Самарқанд ва Бухорода олтин динорлар зарб этила бошланди. Кумуш суви югуртирилган дирҳамлар кундалик савдога бўлган талабни қондирган бўлса, олтин тангалардан йирик савдо битимида ҳамда халқаро савдода фойдаланилган.

Ҳақиқий кумуш тангалар бўлмаганлиги, олтин тангалар йирик пул ҳисобланганлиги учун уларни майда-майда бўлақларга бўлиб савдо қилишган.

XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрдаги Қорахонийлар сулоласи томонидан зарб қилинган тангалар X аср охири ва XI асрда зарб қилинган тангалардан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, мазкур тангалар вақт ўтиши билан йириклашиб борган. Агарда X аср охири — XI асрда зарб қилинган сифати паст кумуш тангаларнинг — дирҳамларнинг диаметри 2—2,5 см бўлган бўлса, XII асрнинг 60—70-йилларида, кумуш суви юритилиб зарб қилинган дирҳамларнинг диаметри 3 см, XIII аср бошларида эса 4 см бўлган. Тангалардаги ёзувларнинг жойлаштириш ўрни ва уларнинг маъноси ҳам ўзгарди.

Қорахонийлар сулоласи даврида зарб қилинган тангалар қимматли тарихий манбадир. Шарқшунос олим ва нумизмат Б. Дорн бундан юз йил олдин, нумизматиканинг тарих учун қанчалик аҳамиятли эканлигига баҳо беришда фақат Қорахонийлар тарихи етарлидир, деб қайд қилган эди. Гап шундан иборатки, Қорахонийлар ҳақида бирорта ҳам Ўрта асрга оид асарлар бизгача етиб келмаган. Шунинг учун бошқа сулолалар солнома-сига мурожаат этишга тўғри келади. Табиийки уларда биз Қорахонийлар сулоласи ҳақида қисман маълумот оламиз. Ана шундай ҳолларда Қорахонийлар сулоласи даврида зарб қилинган тангалар бизга қўл келади. Бундай тангаларни ўрганиш қанчалик қийин бўлмасин, улар кўп нарсани аниқлашга имкон беради. Масалан, у ёки бу ҳоким қачон ва қаерда подшолик қилган, унга тобе бўлган жойларнинг чегараси қандай ўзгариб турган, деган саволларга жавоб топиш мумкин. Умуман олганда, агар тангаларни тўғри тушунилса улар Ўрта асрга оид асарларга нисбатан аниқроқ маълумот бериши билан ажралиб туради. Зеро, мазкур даврнинг тарихчиси у ёки бу шахс тарихини яратаётган вақтида маълум сабабларга кўра тарих саҳифаларини нотўғри талқин қилган бўлиши мумкин. Худди шунинг учун ҳам Қорахонийлар даврида зарб қилинган тангаларнинг берган маълумоти Ўрта асрга оид тарихий асарларни тўлдирибгина қолмай, балки уларни тўғрилайди ҳам.

Ўзбекистон территориясида XI—XII асрларда муомалада бўлган тангаларнинг асосий қисми Қорахоний-

лар даврида зарб қилинган тангалардан ташкил қиладди. Лекин Ўзбекистоннинг баъзи Жанубий районлари, жумладан, Термиз области Ғазнавийлар, кейинчалик Ғурийлар давлати таркибига кирган. Табиийки, бу ерларда Ғазнавийлар ва Ғурийлар томонидан зарб қилинган тангалар муомалада бўлган.

Мовароуннаҳрдан фарқли ўлароқ Хоразмда узоқ вақт пул муомаласи деярлик ривожланмаган эди. Бу ерда онда-сонда тангалар зарб қилинган. Фақат энг охириги султондан олдинги султон Ануштегинийлар сулоласининг вакили Муҳаммад ибн Текеш даврида мунтазам равишда тангалар зарб қилинган. Унинг давлати территориясига бутун Ўрта Осиё кирганлиги учун султон фақат Хоразмда танга зарб қилмай, балки Самарқанд, Бухоро, Ўзганд, Бороб, Термиз, Вахш, Марв шаҳарларида, шунингдек Мовароуннаҳрдан ташқарида ҳам мис, кумуш суви югуртирилган кумуш ва олтин тангалар зарб қилдирди.

ХIII—XIV АСРДА ЗАРБ ҚИЛИНГАН ТАНГАЛАР

Хоразмшоҳ Муҳаммад империяси жуда ҳам катта бўлишига қарамай у бўш эди. Шунинг учун ҳам 1219 йили Мовароуннаҳр чегараларида Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинлари пайдо бўлганда улар осонликча, яъни 1221 йили Хоразмни, кейинчалик бутун Ўрта Осиёни забт этдилар. Мўғуллар босиб олган жойларида талон-торожликлар қилдилар, маҳаллий халқ бошига кўп кулфатлар солдилар. Минг-минглаб осойишта яшаётган аҳоли қиличдан ўтказилди, кўплаб шаҳарлар, қишлоқлар хонавайрон этилди. Мамлакат экономикасига пуртур етказилди.

Чингизхон ўзининг улкан империясини фарзандлари ўртасида бўлиб берди. Мовароуннаҳр Чигатой улусига, Хоразм Жўжи, кейинчалик Олтин Ўрда улусига кирди.

Мўғуллар Ўрта Осиёни истило қилган дастлабки вақтларда ўзаро савдо муомаласида олдинги сулолалар даврида зарб қилинган тангалар ишлатилди. Аммо тез орада Чингизхон ҳамда халифа Носирнинг исмидан бошқа ҳеч қандай ҳокимнинг исми ёзилмаган тангалар Самарқанд ва Бухорода зарб қилина бошланди. Ҳар икки шаҳарда ҳам кумуш ва кумуш суви югуртирилган

дирҳамлар, Самарқандда эса вақти-вақти билан динарлар зарб қилинган. Агар динарлар кенг муомала учун зарб қилинган бўлса, дирҳамлар эса ўша танга чиқарилган область аҳолиси учун мўлжалланган эди. Бу ҳол ўша тангаларга битилган ёзувлардан аён бўлади.

1225 йили Самарқандда зарб қилинган дирҳамлар диққатга сазовордир. Мўғуллар истилосидан кейин ордан беш йил ўтган бўлса ҳам дирҳамларнинг тури жуда ўзига хосдир. Биринчидан, ҳеч қаерда диний ақи-



Ўзбекистон ССР территориясидан топилган тангалар

даларнинг баёни кўрсатилмаган, горизонталь ёзувлар ҳошия йўқ, олд томонида «Самарқанд» сўзи битилган. Қолган ҳамма ёзувлар тўғри тўртбурчак ичига жойлаштирилган. Танга зарб қилинган вақти уч маротаба қайтарилган. Бир маротаба танганинг олд томонида ва икки маротаба орқа томонида танга зарб қилинган сана кўрсатилган.

Аммо ёзувлардан бири ғоят ажабланарлидир. Унда «Бу танга Самарқанд ва унинг вилоятларида ўтади»,— деб ёзилган.

Самарқандда зарб қилинган, кумуш суви югуртирилган мис дирҳамларда тожик тилида ёзилган сўзлар яна ҳам кишини ҳайратга солади. «Қимда-ким Самарқандда ва унинг чеккаларида ушбу тангани олмаса, у жиноятчи ҳисобланади»,— деб ёзилган. Нима учун бундай қўрқитиш керак бўлиб қолди деган савол туғилиши табиий бир ҳол, албатта. Гап шундаки, аввалги

ҳукмдорлар даврида бўлганидек мўғуллар босиб олгандан кейин ҳам дирҳамларни ўз қимматидан ортиқроқ юргизишга мажбур қилганлар. Аҳоли кумуш суви югуртирилган мис дирҳамларни олишдан бош тортар эди. Шунинг учун ҳам Самарқандда тезликда ҳақиқий кумуш тангалар зарб қилинди.

Бухорода ҳам аҳвол худди шундай эди.

Мовароуннаҳрнинг бошқа областларида, мўғуллар ҳукмронлигининг биринчи ўн йиллигида умуман тангалар зарб қилинмаган.

Бундай аҳвол узоққа чўзилиши мумкин эмасди. Савдо-сотив ишлари мўғуллар босиб олган вақтдаги дара-



Ўзбекистон ССР территориясидан топилган тангалар

жага етмаса-да, муомала воситаларига жуда муҳтож эди. XIII аср ўрталарида олтин танга — динор зарб қилиб бу аҳволдан қутилишга уриниб кўрилди. Динорларни Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўтрор, Олмалик зарбхоналари чиқара бошлади. Динорлар турли катталикда бўлганлиги учун савдо вақтида уларни кичик-кичик бўлакларга бўлишга тўғри келарди.

Кумуш суви югуртирилган мис дирҳамларни зарб қилиш ҳам йўлга қўйилди. Уларни Самарқанд ва Бухордан ташқари Хўжанд, Ўтрор зарбхоналари чиқара бошлади.

1217 йили Чигатой улусида савдо талабларига жавоб берадиган даражада пул реформаси ўтказилди. Кумуш суви югуртирилган мис дирҳамларни ишлатиш

ман қилинди. Аста-секин реформа ўтказилиб, XIII асрнинг охирига келиб у муваффақият қозонди. Бир хил сифат ва оғирликка (2 граммга яқин) эга бўлган дирҳамлар, улар қаерда зарб қилинганлигидан ташқари, бутун мамлакат бўйича муомалада бўларди. Янги-янги зарбхоналар ишга туширилиб, уларнинг сони 16 тага етди. Буларнинг орасида Олмалик, Андиган (Андижон), Бухоро, Кошғар, Кенжде (Чимкент районида), Марғинан, Ўтрор, Уш, Самарқанд, Тараз, Тошкент, Термиз, Хўжанд сингари зарбхоналар бор эди.

Мўғул хони Кебек 1321 йили ўтказган пул реформаси савдони ривожлантириш учун янада қулай имкониётлар яратди. Шу даврдан эътиборан ягона намуна бўйича оғирлиги 1,4 грамм бўлган кумуш дирҳамлар ҳамда оғирлиги 8 граммга яқин бўлган кумуш динорлар чиқарила бошланди. Бир кумуш динор олти дирҳамга тўғри келарди.

Мўғуллар даврида Ўрта Осиёда зарб қилинган тангаларда ҳокимнинг исми кўрсатилмаган бўлса, Кебек ва унинг издоши Тармаширин даврида зарб қилинган тангаларда «Улуғларнинг улуғи, адолатпарвар ҳоқон (ёки султон)» деб ёзиладиган бўлди.

Мўғуллар истилосидан то Темурнинг тахтга ўтиришига қадар ўтган юз — эллик йил давомида Ўрта Осиёда танга зарб қилиш ишларида шунчалик катта ўзгаришлар содир бўлдики, бу давр учун умумий бўлган бирор бир хусусиятни кўрсатиб ўтиш мушкул ишдир. Ягона умумий белги — бу мўғулларнинг тамғасидир.

ТЕМУР ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ ТОМОНИДАН ЗАРБ ЭТИЛГАН ТАНГАЛАР

XIV аср ўрталарига келиб Чиғатойлар давлати шу қадар заифлашиб кетдики, ҳатто унинг ҳукмдорлари ҳақиқий мавқеларини йўқотиб, рақиб амирларнинг қўлидаги қўғирчоққа айланиб қолдилар. Мана шундай шароитда турк-мўғул барлос қабиласининг амирларидан бири — Темур тахт тепасига келди. У 1370 йили Мовароуннаҳр ноибни қилиб тайинланади. Шу даврдан эътиборан то 1405 йили вафот этгунга қадар чекка ўлкаларни забт этиш билан шуғулланди. У Закавказье, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир қисмини эгаллаган улкан империяни барпо этди.

Темурнинг ўғли Шоҳрух отаси вафотидан сўнг қўлга киритилган ерларнинг бир қисминигина ушлаб қола олди, холос. Мовароуннаҳрда XV асрнинг ўрталарига қадар Шоҳрухнинг ўғли Улуғбек ҳукмронлик қилди. XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Мовароуннаҳр мустақил давлат ҳисобланса ҳам, лекин у тобора заифлашиб борди.

Темур тахт тепасига келибоқ ўз номидан танга зарб этгани йўқ. Ҳар қалай унинг номи билан боғлиқ бўлган танга 1372 йил билан ифодаланди. Шундан сўнг Темур номи туширилган тангалар унинг вафотига қадар зарб қилинган.

Темур олтин, кумуш, мис тангалар зарб қилдирган. Аммо олтин тангалар аҳён-аҳёнда, жуда оз миқдорда зарб қилинган. Пул системаси асосан кумуш тангага асосланган эди. Кумушдан турли қимматдаги тангалар, чунончи, 6 граммли йириктангалар, нимтанга ва тангачалар зарб қилинган. Мис тангалар ҳам жуда кўплаб чиқарилган. Ўрта Осиёда эса Самарқанд, Кеш, Уш, Хоразм (Урганч) шаҳарларида тангалар зарб қилинган.

Улуғбек даврида пул реформаси ўтказилди. 1428 йили аввалги йилларда чиқарилган мис тангалар савдода ишлатиш тақиқланганлиги, уни янги тангаларга алмаштириши мумкинлиги тўғрисида қарор чиқарилди. Эски тангаларни алмаштиришга қулайлик туғдириш учун Андижон, Тошкент, Шоҳрухия (Олдинги Бенакет шаҳри), Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз ва Ҳисорда янги пуллар ягона нусха бўйича зарб қилинган. Пул алмашиш тамом бўлгандан сўнг Бухородан ташқари қолган ҳамма шаҳарлардаги танга зарб қилиш корхоналари ёпилди.

Темур ва Темурийлар даврида зарб қилинган тангалар қатор хусусиятлари билан бошқа давр тангаларидан фарқ қилади. Зарб қилинган тангаларга махсус тамга босиш ана шундай хусусиятлардан эди. Бундай нақшлар Чигатойлар даври тангаларида — XIII асрда солиниб, XV асрга келганда кенг қўлланила бошланди. Улар думалоқ, тўрт бурчак, гулга ўхшаш ва ҳоказо шаклда бўлган.

Ўрта Осиё Хоразмнинг ўнг қирғоғи билан Чигатой улуси таркибига кирган бўлса, Хоразмнинг чап қирғоғидаги қисми Урганч билан биргаликда Жўжи улуси таркибига кирган бўлиб, Олтин Ўрда хонликлари томо-

нидан бошқариларди. XIV асрнинг иккинчи ярмида 1360—1380 йиллари тахт учун 25 хон кураш олиб борганда Олтин Ўрда ҳаётида олағовур вақтлар бошланди. Марказий ҳокимиятнинг заифлашганлигидан қўнғирот қабиласининг маҳаллий Сўфийлар династияси усталик билан фойдаланди. Улар тахминан 1360 йили Хоразмни мустақил идора қила бошладилар. Ҳатто ўз ерларига Хоразмнинг ўнг қирғоқдаги қисмини ҳам қўшиб олдилар. 1372 йили Темур Хоразмга юриш қилиб, Юсуф Сўфийни ўзига тобе қилади. Чунки Юсуф Сўфий бир сафар Амир Темурнинг ҳукмронлигини тан олса, бир сафар Олтин Ўрда хони Тўхтамишни тан оларди. Шунинг учун ҳам Темур Хоразмга бир неча бор жанговар юриш қилди. 1388 йили бешинчи маротаба юриш қилганда у Урганч шаҳрини яқсон қилди. Темурнинг вафотидан сўнг (1405 й.) Хоразмга яна Олтин Ўрда хонлари ҳукмронлик қилди.

Лекин Темурнинг ўғли Шоҳрух 1412 йили Хоразмни қайта қўлга киргизди.

Мўғуллар истибдодидан сўнг Хоразмда зарб этилган тангалар бизгача етиб келмаган. Бизнингча, бу ерда танга зарб қилиш XIII асрнинг сўнгги чорагида бошланган бўлса керак. Мис, кумуш дирҳамлар Сўфийлар династияси ҳукмронлик қилган вақтда, аҳён-аҳёнда эса Темур ҳукмдорлиги даврида кичик олтин тангалар чиқарилган. Хоразмда Чигатойлар динорига ўхшаш йирик кумуш тангалар бўлмаган. Хоразмнинг жунд дирҳамлари Мовароуннаҳр Чигатой дирҳамларидан табиий фарқ қилган. Биринчидан, уларнинг қиммати турлича бўлиб, у аста-секин камайиб борган. XIII асрнинг охирига келиб ҳамма кумуш тангаларнинг оғирлиги 2,3 грамм бўлган бўлса, XIV асрнинг бошларида 1,9 грамм, 1380 йилда 1,5 грамм ва XV асрнинг бошларида 1,1 граммга тушиб қолди. Олтин тангалар оғирлиги 1,10—1,15 грамм ва ҳатто ундан ҳам оз бўлган.

XIII асрга оид Хоразмнинг биринчи дирҳамларида



Ўзбекистон ССР территориясидан топилган тангалар

ўша даврда ҳокимиятни бошқараётган ҳукмдор номи эслатилмайди.

Танганинг бир томонида диний ақидалар ёки қуръондан олинган бирорта калима, иккинчи томонида эса танга чиқарилган сана, жой зарб қилинган. Тангалардаги ёзув унча чиройлик бўлмай, баъзан хатоларга ҳам йўл қўйилган. Чунончи, ҳарфлар тушиб қолган, айрим ҳарфлар бир-бирига қўшилиб кетган.

ШАЙБОНИЙЛАР ВА ЖОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА ЗАРБ ҚИЛИНГАН ТАНГАЛАР

XV аср охирига келиб бутунлай бўшашиб кетган Темурийлар давлати Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбеклар томонидан забт этилди, шу асосда Шайбонийлар сулоласига асос солинди. Темурийлар сулоласидан бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобир бир неча йил мобайнида Мовароуннаҳрни Шайбонийлардан тортиб олишга ҳаракат қилди. Аммо ҳамма уринишлари зое кетди. Мамлакат XVI асрнинг охирига қадар Шайбонийлар қўлида қолди. Ўз навбатида Шайбонийхон ва унинг издошлари бир неча бор Хуросонга юриш қилиб, Хуросоннинг шаҳар ва вилоятларини қисқа муддат қўлда ушлаб турдилар. XVI асрнинг 40—50-йилларига келиб Шайбонийлар давлати тинимсиз ўзаро уруш олиб борадиган кичик-кичик ҳокимлик ва вилоятларга бўлиниб кетди. Фақат 70—80-йилларга келиб Абдуллахон II бутун мамлакатни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Абдулмўмин қисқа муддат — олти ой подшолик қилганидан сўнг ўлдирилди. Шундан сўнг Шайбонийлар сулоласи барҳам топди.

1501 йили Ўрта Осиёда Шайбонийлар династияси ўрнатилгандан кейин ҳам, бу ерда Темурийлар даврида зарб қилинган кумуш ва мис тангалар мавжуд эди. Шайбонийлар уларни тамғалаб, қимматини камайтирганларидан сўнг мазкур тангалар савдо алоқасида юргизила бошланди. Шайбонийхон номи билан янги кумуш ва мис тангалар зарб қилинди. Жуда ҳам оз миқдорда олтин тангалар зарб қилган Абдуллахон II ни ҳисобга олмаганда Шайбонийлар олтин танга зарб қилмаганлар.

Шайбонийлар зарб қилган кумуш тангалар Темурийлар даврида зарб қилинган тангалардан фарқ қил-

ган. Лекин мис тангалар Темурийлар даврида зарб қилинган мис тангаларга ўхшаш эди. Шайбонийлар йирик, кўп ҳолларда чиройли безатилган динорлардан ташқари майда мис пуллар ҳам зарб қилганлар. Бир динорга олтита мис пул тўғри келган. Мис пуллар эъгиборсизлик билан зарб қилинган. Бизгача етиб келган мис пуллар ёзувлари ўчиб кетганлиги учун яхши ўрганилмаган.

Шайбонийлар зарб қилган тангалардаги ёзувлар кўп ҳолларда насх ёки куфий услубида битилган. Баъзан томонлардан биридаги ёзув ўрнига турли нақшлар ёки ҳайвон, қушларнинг расми берилган. Ҳайвонлар шунчалик ёмон тасвирланганки, бугунги кунда ҳатто уларни ажратиш жуда ҳам қийин. XV асрда бўлганидек, XVI асрда ҳам кумуш ва мис тангаларни тамғалаш услуби давом этган. Тангалар олдин нима мақсадда тамғаланган бўлса Шайбонийлар даврида ҳам тамғалашнинг характер ва моҳияти шундайлигича қолди.

Шайбонийлар давлатида кўплаб зарбхоналар мавжуд эди. Мовароуннаҳрнинг Андижон, Ахси, Бухоро, Кеш, Қарши, Қундуз, Куфин, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Ҳисор, Шоҳрухия, Балх сингари шаҳарларида тангалар зарб қилинарди. Юқорида номлари қайд қилинган шаҳарлардан фақат Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Балхда мунтазам равишда тангалар зарб қилинган. Шайбонийлар тез-тез Хуросонни қўлга киритиб турганлар. Шундай ҳолларда улар Хуросоннинг Ҳирот, Машҳад, Нишопур, Серахс ва бошқа шаҳарларида тангалар зарб қилганлар.

Мовароуннаҳрда унчалик катта бўлмаган, вақтли зарбхоналар ҳам бўлган. XVI асрда бундай зарбхоналар мис динорларга тамға босиш иши билан шуғулланганлар. Вобкани (Бухоро областининг Вобкент райони), Шавдар ва Миёнқал (Самарқанд областидаги туманларнинг номи), Парак (Чирчиқ воҳасида) сингари зарбхоналар шулар жумласидандир. Шу нарса диққатга сазоворки, номлари зикр қилинган зарбхоналар шаҳарларда эмас, балки унчалик катта бўлмаган аҳоли яшайдиган пунктларда иш юритар эди.

Кумуш тангаларга тамға босиш биринчидан олдин ман этилган тангаларни қайтадан савдо муомаласига киришига имкон яратса, иккинчидан, бундан хазина катта фойда кўрарди. Шу мақсадда кумуш тангалар

ҳам тамғаланарди. Аммо давлат амалдорлари турли ҳийлалар билан хазинани бойитишга ҳаракат қилишарди. Жумладан, мавжуд кумуш тангалар «эски» ва ҳозиргина зарб қилинган «янги» тангаларга бўлинарди. Унта «эски» танга тўққизта «янги» тангага тўғри келарди.

Қайтадан тангалар зарб қилиниши билан олдинги «янги» тангалар «эски» тангаларга айланиб 10 процент қимматини йўқотарди. Табиийки, бу аҳоли учун моддий зарар, хазина учун чексиз бойлик ҳисобланарди. Шундай «тадбир»лар бир ойда 1—2 маротаба ўтказиларди.

Бундай ҳийлалар билан фақат марказий ҳокимиятдагилар эмас, балки вилоятлардаги ҳукмронлар ҳам шуғулланганлар. Шайбонийлар давлати инқирозга юз тутган бир вақтда баъзи вилоятлардаги ҳукмронлар ўз номлари билан кумуш тангалар зарб қилганлар.

Абдуллахон II нинг ўғли Абдулмўмин ўлдирилгандан сўнг Бухоро тахтига Абдуллахон синглисининг эри Жонийлар сулоласининг асосчиси — Жоний Муҳаммад чиқади. Жонийлар Урта Осиёда XVIII асрнинг ўрталарига қадар ҳукмронлик қилганлар. Улар ҳукмронлик қилган даврнинг фақат биринчи ярми тинч, осойишта ўтган. Аммо кейинчалик марказий давлат тобора кучсизланиб борди. Кўчма ўзбек қабилаларининг бошлиқлари у билан ҳисоблашмай, тинимсиз ўзаро уруш олиб борардилар. XVIII асрнинг биринчи ярмигача давом этган бундай ҳолат давлатнинг инқирозга юз тутишига, экономиканинг тушкунлигига олиб келди.

Жонийлар XVII асрда фақат кумуш ва мис тангалар зарб қилган бўлсалар, 1702 йилдан эътиборан олтин тангалар чиқарганлар. Бу давр тангаларидан кумуш ва олтин тангалар яхши ўрганилган бўлса, мис тангалар деярли ўрганилмаган.

Шайбонийлар дастлаб тангаларнинг оғирлигини бир мисқол, яъни 4,8 грамм миқдоридан зарб қилган бўлсалар, XII асрга келиб тангаларнинг оғирлиги 4,4 граммга тушиб қолди. Шайбонийлар зарб қилган тангалардан Жонийлар зарб қилган тангаларнинг асосий фарқи шундаки, Жонийлар зарб қилган тангаларнинг шакли қийшиқ, одатдагидан ёмон зарб қилинган. Ҳатто зарб қилинган вақтда тангалардаги ёзувлар ёрқин бўлмай сезилар-сезилмас бўлиб чиқарди. Жонийлар тангаларидаги ёзувлар XVI асрда зарб қилинган тангалардаги

ёзувлардан деярли фарқ қилмайди. Жонийлар зарб қилган кумуш ва олтин тангалардаги ёзувлар насх услубида битилган.

XVI асрда бўлганидек XVII асрда ҳам кумуш тангалар «эски» ва «янги» тангаларга бўлинган. Жонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврдан бошлаб кумуш тангалар аъло сифатли, соф кумушдан бўлган. Мазкур тангалар «эски» деб эълон қилинганидан сўнг 10 процент қимматини йўқотган, Бора-бора тангаларда кумуш озайиб борган. XVII асрнинг ўрталарига келиб тангаларнинг ярми кумушдан иборат бўлган. Шундай бўлса ҳам зарб қилинган тангалар «янги» ҳисобланиб, улар юз фоиз кумушдан зарб қилинган тангалардек савдо муомаласида юргизилган. Аммо давлат уларни «эски» тангалар деб эълон қилиши биланоқ тангалар ярим қимматини йўқотар эди. Бундан эса фақат хазинага фойда бўларди. Агар ҳокимият бошлиқлари бундай хийладан XVI асрда фақат марказий шаҳарлардагина фойдаланган бўлса, кейинчалик унинг чегара қисмларида ҳам бундай ҳийла-найранг кенгайиб кетди. Тангаларнинг 50 проценти кумушдан зарб қилинаётганлигига қониқмаган Жонийлар XVII асрнинг охирига келиб унинг миқдорини 25 процентга туширишди. Мазкур тангалар ҳатто кўринишидан ҳам кумуш тангаларга сира ўхшамас эди. Аммо бу ҳам сўнгги нуқта эмас эди. XVIII асрнинг бошларига келиб кумуш тангалардаги кумуш миқдори 9 процентга тушиб қолди. Бу эса марказий давлатда ғалаёнлар кўтарилишига сабаб бўлди.

«Эски» тангаларнинг қиймати тез-тез тушиб турганлиги сабабли йирик савдо ишларини олиб бориш тобора қийинлашиб борарди. Савдо ишларини енгиллаштириш мақсадида XVIII асрнинг бошларида ашрафий ёки тилла деб номланган олтин тангалар зарб қилина бошланди.

XVII ва XVIII асрга оид қўлёзма ҳамда тарихий ҳужжатларда мис тангалар — динорлар зарб қилинганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Турли оғирликда, ҳархил формада, ўхшовсиз зарб қилинган, қисқа ёзуви (одатда зарбхона кўрсатилган шаҳар номи) бўлган ҳамда қуш ва ҳайвонлар тасвирланган, зарб қилинган вақти кўрсатилмаган мис тангалардан кўплаб топилган. Аниқ ишонч билан уларни қачон зарб қилинганлигини айтиш жуда қийин. Эҳтимол мазкур мис тангалар-

XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи ярмига тааллуқли тангалар бўлса ажаб эмас.

XVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ЗАРБ ҚИЛИНГАН ТАНГАЛАР

1753 йили қудратли, катта мартабали Муҳаммад Раҳимбий оталик Бухоро тахтига ўтирди. У ўзбекларнинг манғит қабилаларидан бўлганлиги учун янги ҳокимият — Манғитийлар сулоласи деб атала бошланди. Тўғри, биринчи Манғитлар (1785 йилгача) ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган сохта Жоний хонлари номидан давлатни бошқарганлар. Манғитлар даврида Бухоро чегаралари тез-тез ўзгариб турган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг бир қисми чор Россияси томонидан забт этилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги составига киритилди. Кичрайтирилган Манғитлар давлати 1920 йили халқ революцияси ғалаба қилганидан сўнг тугатилди.

Бухоро хонлигида олтин, кумуш ва мисдан тангалар зарб қилишган. Манғитлар давлати йиқитилишидан олдин қоғоз пуллар ҳам чиқарилган. Олтин тангалар — ашрафий ёки тилла, кумуш тангалар — танга, мис тангалар — мис пул, қора пул деб юритилган. Амирлик ағдарилишидан олдин кўплаб турли қимматдаги — 5, 10, 20 танга қимматидаги мис тангалар зарб қилинган. Уларни танга деб аташган.

Биринчи манғит — Муҳаммад Раҳим ва унинг вори си амир Дониёл даврида зарб қилинган кумуш ва олтин тангалар Жонийлар даврида зарб қилинган тангаларга ўхшаш эди. Амир Дониёлнинг ўғли Муродшоҳ тахтга чиқиши билан 1785 йили пул реформасини ўтказди. Бу реформа тангаларга янги кўриниш беришдан иборат бўлиб, шу асосда Манғитлар танга зарб қилишни бошлаб юборди.

Манғитлар тангаларида Жонийлар тангаларига нисбатан ёзувлар оз бўлган. Олтин тангаларда ҳам, кумуш тангаларда ҳам бир томонда танга зарб қилинган пойтахтнинг номи, яъни «Ҳимматли Бухоро зарби» ва рақамлар билан сана кўрсатилган. Бошқа томонида подшонинг номи ва яна сана кўрсатилган. Манғитларда подшолар номини тангада бериш йўллари турлича бўл-

ган. Биринчи Манғит амири — Муҳаммад Раҳим ўз номидан танга зарб қилган. Дониёл — Сохта хон Абулғозий номидан танга зарб этган. Лекин Муродшоҳ олдин Абулғозий номи билан кейинчалик ўз отаси Дониёл номи билан тангалар чиқарган. Муродшоҳ ва унинг вориси амир Ҳайдар гоҳ буваси, гоҳ отаси, гоҳ отабувиси, шунингдек Ҳайдаршоҳнинг ўзи номидан ҳам тангалар зарб қилган. Унинг ўғли Хусайн атиги 75 кун ҳукмронлик қилган бўлса ҳам ўз номи билан олтин ва кумуш тангалар зарб қилишга улгурган. Кейинги барча манғит хонлари фақат авлод-аждодларининг хотираси учун танга чиқарганлар.

Манғитларнинг кумуш тангалари Жонийларнинг кумуш тангасидан ўз ёзув ва безаги билангина фарқ қилиб қолмайди. Биринчидан, улар аъло сифатли, яъни соф кумушдан ишланган. Иккинчидан, уларнинг оғирлиги камайди ва диаметри кичрайди. Бу эса танганинг қалин ҳамда янада тўғрироқ шаклга эга бўлишига олиб келди.

Бухоро амирлигига Манғитлар тангаларидан ташқари бошқа давлатлар, биринчи навбатда яқин қўшни давлатлар — Қўқон ва Хива хонликлари, шунингдек Эрон ва Ҳиндистоннинг олтин ва кумуш тангалари келиб тушарди. Шуниси қизиқки, Голландия мамлакатининг танга пуллари ҳам Бухорога етиб келган.

* * *

Хуллас, қадимги тангалар қимматли манба бўлиб, аждодларимизнинг ўтмиш тарихидан бевосита дарак беради. Улар пул муомаласи тарихи, ички ва ташқи савдо, давлатлар чегараларининг тез-тез ўзгариб туриши, номлари бизгача етиб келмаган шаҳарлар, подшолар ва жуда кўп номаълум нарсалар ҳақида ҳикоя қиладилар. Фақатгина VII—VIII асрларга доир Суғд тангалари бизга шу вақтгача номлари маълум бўлмаган 9 нафар Самарқанд подшоларининг номлари ва уларнинг унвонларини аниқлашга имкон берди. Ҳақиқатда ҳам Ўзбекистоннинг қадимий ва ўрта асрларда зарб қилинган тангалари ўрганилмаганда республикамиз тарихи шунчалик чуқур ёритилмаган бўларди.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Антик давр танга пуллари	6
Илк Ўрта аср тангалари	10
Араб халифалиги томонидан зарб этилган тангалар	12
Тоҳирийлар ва Сомонийлар томонидан зарб қилинган тангалар	15
XI аср ва XIII аср бошларида зарб қилинган тангалар	20
XIII—XIV асрда зарб қилинган тангалар	24
Темур ва унинг авлодлари томонидан зарб қилинган тангалар	27
Шайбонийлар ва Жонийлар сулоласи даврида зарб қилинган тангалар	30
XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида зарб қилинган тангалар	34

На узбекском языке

Тамара Садриддиновна Ерназарова,
Борис Дмитриевич Кочнев

НУМИЗМАТИКА — ЛУЧ В ПРОШЛОЕ УЗБЕКИСТАНА

*Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабоп китоблар
таҳрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир Қ. Оқилхонов
Рассом В. Тий
Техмуҳаррир Т. Шалюк
Корректор С. Зокирова

ИБ № 255

Р08428. Теришга берилди 31/VIII-77 й. Босишга руҳсат этилди 3/X-77 й. Формати 84×108^{1/32}. Босмаҳона қоғози № 1. Қоғоз л. 0,562. Босма л. 1,89. Ҳисоб-нашриёт л. 1,5. Нашриёт № 320. Тиражи 3000. Баҳоси 5 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент, Горький проспекти, 79. Зак. 215.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кучаси, 70.

Баҳоси 5 т.